

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА
 ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
 ОРГАНИ

- 2001 йил, 15 февраль, пайшанба № 20 (1440).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
 ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
 РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 15 февраля 2001 г. № 20 (1440).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов 14 февраль куни Оқсаройда АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси бошқаруви раиси Роналд Кэмбри ҳамда мазкур компаниянинг президенти ва бош ижрочи директори Уэйн Мэрдени қабул қилди.

«Ньюмонт майнинг» олтин қазич бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан ҳисобланади. 1997 йилда «Санта Фе Пасифик Голд», 2000 йилда «Бетл Маунти» билан бирлашганидан кейин у энг йирик компанияга айланган. Утган йили «Ньюмонт майнинг» 4,9 миллион унция (152 тонна) олтин қазиб олиб, 1,6 миллиард АҚШ доллари миқдорига даромад кўрди.

Ўзбекистон мазкур компания билан ҳамкорликда тузилган «Зарафшон—Ньюмонт» кўшма корхонаси яхши маълум. У 1995 йилдан бўён музаффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳалдаги режалар мазкур кўшма корхонани янада такомиллаштириш ва Ангренда янги лойиҳани амалга оширишдир. Янги лойи-

ҳа учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредит ажратган.

Оқсаройдаги музокаралар чоғида ана шу масалалар муҳомама қилинди.

Шу куни Президент Ислоом Каримов АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Жон Хёрбстини ҳам қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, бунда ўзаро мулоқотларнинг давомийлиги муҳимлигини таъкидлади.

Ж. Хёрбст Ўзбекистон Президентига Оқ уй раҳбари Жорж Бушнинг шахсий мактубини топширди. Мактубда АҚШнинг Ўзбекистон билан муносабатлари ривожланишда давом этверишига ишонч билдирилиб, айни пайтда ўзаро муносабатларни янада юксалтириш учун имкониятлар кўпчилиги таъкидланади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. (ЎзА).

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўсиб келаётган ёш авлодни ва Қуролли Кучлар шахсий таркибини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, ахлоқий тафаккурини юксалтириш, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яратилган асарларни оммавийлаштириш, уларни яратиб ишига ижодкорлар ва санъат намояндаларини жалб этиш, шунингдек, ёшлар ва ҳарбий хизматчилар орасида ватанпарварлик, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни фа-

Танловга қўйидаги йўналишлар ва фаолиятлар бўйича ижод намуналари, номзодлар қабул қилинади:

- адабий йўналиши бўйича — ҳарбий-ватанпарварлик руҳида яратилган бадиий асарлар;
- тасвирий санъат йўналиши бўйича — ҳарбий-ватанпарварлик руҳи акс эттирилган тасвирий санъат асарлари;
- театр ва кино санъати йўналиши бўйича — мард, жасур, Ватани учун жонини ҳам фидо этишга тайёр ҳарбий образини яратган истеъдодли санъаткорлар фаолияти;
- мусиқа санъати йўналиши бўйича — миллий гуруҳ ва ҳарбий-ватанпарварлик ғояларини тараннум этувчи мусиқий асарлар;
- ижрочилик санъати йўналиши бўйича — ҳарбий-ватанпарварлик руҳида яратилган мусиқа асарларининг моҳир ижрочилари;
- видеоклиплар йўнали-

олаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «ВАТАН ҲИМОЯСИ, ДА» деб номланган танлов эълон қилади.

Танловда ёзувчилар, шoirлар, қўшиқчилар, бастакорлар, мусаввирлар, журналистлар, кино ва театр ходимлари, ҳарбий хизматчилар, «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари қатнашишлари мумкин.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яратилган энг яхши видеоклип;

- журналистика йўналиши бўйича — оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги мақолалар ёки намойиш этилган телекўрсатувлар;
- оммавий ватанпарварлик ишлари ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини намунали йўлга қўйган «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари раисларининг иш фаолиятлари;
- ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйган, уларни янада такомиллаштириш бўйича намунали иш олиб бораётган ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар хизматчилари фаолиятлари.

Танлов ғолиблари қўйидагича тақдирланади:

- а) ҳар йўналиш бўйича

биттадан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 барабарига телемиқдордаги дул мукофоти;

- б) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Дипломи.

Ғолибларга мукофотлар «Ватан ҳимоячилари куни» байрами муносабати билан ўтказиладиган тантанали йиғилишда топширилади.

Танловга ижод намуналари бир нусхада тақдим этилади. Ижод намуналари ва тақдимномалар ҳар йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бошқармасига (Тошкент шаҳри, Х. Абдуллаев кўчаси, 100-уй) ёки Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгашига (Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 86-а уй) топширилади.

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТМОИИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқаруви ташкил этиш даражасини ошириш ва такомиллаштириш, аҳолини иш билан боғланиш таъминлаш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштириш шароитида ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шу асосда аҳолининг фаровонлиги барқарор юксалиб боришини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг таклифи қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат этиб белгилаинсин:

халқнинг моддий фаровонлиги барқарор суратда муттасил ўсиб боришини таъминлашга, иқтисодий тизим тобора эркинлаштириш шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ягона сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш

демографик ривожланишнинг тахминий маълумотларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш, меҳнат бозорини шакллантириш ва меҳнатга қобилиятли аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш борасида фаол сиёсатни ўтказиш, меҳнат ресурслари баланслари асосида иш жойларини яратиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат шароитларини, уни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва меъёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича бозор шароитларига мос келаётган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

пенсияерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган oilдаларни амалий жиҳатдан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини рўйбга чиқариш, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ ҳимоялашнинг самарали меҳаназминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва бошқариш, ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва соғлигини тиклаш хизмати фаолиятга раҳбарлик қилиш, аҳолига протез-ортопедия ёрдамини ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ ХУШҲАБАРНИ УҚИДИК

Россиянинг «Вагрийус» нашриётида «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китоб чоп этилди. Бу янгилик ўз юрти, мустақиллигимиз учун жон кўйдириб яшайдиган ҳар бир ватандошимиз учун жуда аҳамиятлидир. Зеро, биз яшаётган мамлакат, Юртбошимиз, республикада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида германиялик катта олим, ҳуқуқшунос Леонид Левитин ёзаяпти. Демак, унинг фикр-мулоҳазалари, нуқтан назари кўпчилигимиз учун аҳамият бермаган қирраларга, янгича ёндашувларга бой бўлиши аниқ. Бу фикрни ушбу китобга сўзбоши ёзган россиялик таниқли сиёсатчи академик Александр Яковлев ҳам эътироф этибди. «...бу китоб менинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурим ҳижолат тортидан даражада кам эканини, билганларим ҳам воқеа-ҳодисаларни гира-шира акс эттирадиган юзаки таассуротлардан нарига ўтмаслигини кўрсатиб қўйди».

Ҳа, катта сиёсатчи янги китобга шундай муносабат билдирган экан, ҳеч иккиланмасдан хориялик, ўзбекистонлик зукко ўқувчилар яна битта сермазмун ва муҳим китоб билан ошно бўладилар. Ўзбекистон, унинг нури келажаги, истиқбол ҳақидаги ўй-фикрлар, мушоҳадалар, миллионлар қалбини албатта забт этади, дейиш мумкин.

Катта лейтенант Ҳошимжон УСКАНОВ.

СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Катта лейтенант Олимжон Шаропов мустақиллигимиз кашф этган офицерлардан. Унинг Ватан, истиқлол ҳимояси йўлидаги шижоати ҳам шундан далолат.
 К. ТУРАЕВ суратга олган.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

● РУЧНОЙ МЯЧ

ФАВОРИТЫ
ПРЕЖНИЕ

Два дня тому назад в ТВОКУ стартовал открытый чемпионат Вооруженных Сил Республики Узбекистан среди высших военных учебных заведений по ручному мячу. Фавориты последних лет — спортсмены ЧВТКИУ по-прежнему остаются верными себе и, по правде сказать, мало кто сомневался в их победе и на этот раз. Впрочем, удивляться особо не приходится. Гандболисты из Чирчика, как известно, составляют основу главной команды страны, у них богатый опыт участия в республиканских и международных соревнованиях, а потому вполне закономерно выглядело их убедительное превосходство над курсантами из СВВАКИУ в стартовом поединке. Они переиграли своих соперников, как говорится, по всем статьям и заслуженно победили — 31:25.

Добились успеха и хозяйка соревнований, взявшие верх над гостями из Джизака. По мнению специалистов, судьба первого места решится в финальном поединке между командами ЧВТКИУ и ТВОКУ, который состоится в субботу.

● ВОЛЕЙБОЛ
УДАЧНЫЙ
СТАРТ

Бурлят спортивные страсти и в спорткомплексе МХСК, где в рамках чемпионата Министерства обороны девять коллективов оспаривают пальму первенства. Удачно стартовала команда Главного управления воспитательной работы. Усиленная игроками редакции газеты, она в дебюте не оставила ника-

ких шансов представителям управления КЭУ — 2:0 и записала в свой актив первые три очка. Напомним, что соревнования проводятся по круговой системе, так что дистанция предстоит длительная. Лишь в конце следующего месяца состоится решающие поединки.

Следующий соперник команды ГУВР — коллектив управления ВОСО. Игра состоится в субботу.

● ФУТБОЛ

СЮРПРИЗ
РОМАНЦЕВА

Узбекистанские болельщики теперь не только внимательно следят за игрой киевского «Динамо», где выступает наш земляк Максим Шацких, но и за московским «Спартаком», в котором постоянную прописку получил еще один наш соотечественник, недавний игрок «Дустлика», Джафар Ирисметов. После удачных выступлений на Кубке Содружества Олег Романцев доверил ему место в основе и в ответственном матче Лиги чемпионов против мюнхенской «Баварии», чем основательно озадачил германских футболистов. Никому неизвестный новичок в постоянном напряжении держал не только оборону «Баварии», но и заставлял отгибаться назад и полузащиту, чтобы ликвидировать стремительные выпады нападающего. «Спартак» проиграл, но с минимальным счетом — 1:0, и в этом большая заслуга Ирисметова, который приковал к себе внимание хозяев и не давал им возможности всей командой идти вперед, а значит добиться более ощутимого перевеса.

Соб. инф.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА
ХИЗМАТ
КИЛАМАН»

25 февраля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленной Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске военные тележурналисты предложат вашему вниманию репортажи о ходе зимней боевой учебы воинво-узбекистанцев в проходящих службу в Каршинском гарнизоне. Также вы увидите сюжеты о профессиональном становлении офицеров этого гарнизона.

Повтор этого выпуска передачи смотрите во вторник, 27 февраля, в 17.00.


Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД,
ОПУБЛИКОВАННЫЙ
В № 17

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Брезент. 6. Бульдог. 10. Букса. 11. Билль. 12. Бундестаг. 15. Бистро. 18. Бикни. 19. Боливар. 20. Бюэона. 21. Боулинг. 25. Бонитет. 26. Бленда. 27. Буллит. 31. Брекватер. 33. Балет. 34. Бонна. 35. Бассейн. 36. Бройлер.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Брасс. 2. Беркут. 3. Блювал. 4. Болид. 7. Буддист. 8. Брекчия. 9. Блокнот. 13. Брелок. 14. Библия. 16. Борнеол. 17. Баронет. 22. Бальзам. 23. Бисквит. 24. Брифинг. 28. Бринет. 29. Бензол. 30. Бекар. 32. Брей.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Высокая меховая шапка. 4. Летательный аппарат. 7. Горючее полезное ископаемое. 8. Охраняемый военный объект. 9. Куртка военного образца. 12. Ниша в стене. 13. Птица семейства цапель. 14. Снежный обвал. 16. Персонаж романа А. Дюма «Три мушкетера». 19. Пресмыкающееся. 21. Город на острове Хонсю, первая столица Японии. 22. Многочисленное скопление людей. 23. Шотландский живописец XVII—XVIII вв. 24. Государство в Карибском море.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Гус-

тое сладкое вещество. 2. Спор на определенных условиях. 3. Узбекский писатель-юморист. 4. Воин-ополченец (устар.). 5. Зверек с темно-желтым мехом. 6. Подразделение больницы. 10. Действие, выступление. 11. Предпраздничный или сезонный торг. 14. Скоростной пассажирский корабль. 15. Порт в Иране. 16. Род древесных растений семейства мимозовых. 17. Приток Волги. 18. Короткохвостый рак. 20. Административно-территориальная единица.

Подготовил
Д. КАТАСОНОВ.

ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

КОЗЕРОГУ на будущей неделе рекомендуется воздержаться от каних бы то ни было зарубежных поездок и командировок. В ближайшие дни осматрительнее в выборе нового партнера по бизнесу надо быть предпринимателем. На любовном фронте также стоит на время «придержать коней», а еще лучше дать себе тайм-аут. Самые удачные дни — понедельник и среда.

ВОДОЛЕИ окажутся в ситуации, которая потребует проявить сдержанность и терпимость в разговоре с человеком значительно старше вас. Возможно, это будет пожилой член семьи, который упрекает вас за недостаточно внимательное и чуткое отношение к родственникам, или начальник по службе, который раскритикует вас за какое-то невыполненное поручение. Удачные дни — среда и четверг.

На смену деловой активности, в которой **РЫБЫ** находились на протяжении последних дней, придет временный застой в делах и личной жизни. Будучи человеком деятельным и энергичным, вы попытаетесь изменить ситуацию. Наиболее оптимальный вариант — не вмешиваться в стечение обстоятельств.

ОВЕН на предстоящей неделе сможет позволить себе отложить в сторону текущие заботы и заняться тем, что ему действительно

по душе. Деловая сфера явно вам уже наскучила и отвлечься от нее на некоторое время просто необходимо. Вам бы не помешал непродолжительный, но активный отдых. Для бизнесменов на будущей неделе открывается весьма благоприятный период. Удачные дни — четверг и пятница.

Романтикой и приключениями у **ТЕЛЬЦОВ** будет наполнена вся предстоящая неделя. Однако будьте внимательны. Самое важное для вас помнить, что во всем нужна мера. Тельцам-бизнесменам звезды обещают много интересных коммерческих предложений из-за границы, если только бизнес не связан с фондовым рынком. Благоприятные дни — вторник и пятница.

У **БЛИЗНЕЦОВ** на этой неделе вполне вероятно зарубежная командировка. Расположение небесных светил будет благоприятствовать коммерсантам, если последние задумают организовать выставку для презентации фирмы широкому кругу людей. Делайте это без колебаний. Спокойно и гармонично всю неделю будут развиваться отношения с вашей второй половиной. В выходные реально совместная поездка на загородный пикник. Удачные дни — среда и пятница.

Судьба наконец-таки решила проявить к **РАКАМ** свою благо-

склонность. Все недавние трудности, забывшие вас, покажутся незначительными на фоне новых успехов, которых вам удастся достигнуть на служебном поприще. Не жалейте себя за прошлые неурядицы.

Новые возможности и перспективы открываются **ЛЬВАМ**. Вам предоставится случай завязать знакомство с влиятельным человеком, покровительство которого поможет активно продвигаться вверх по служебной лестнице. Удача и чутье не подведут Львов, занимающихся бизнесом. В личной сфере вас изменения не ожидают. Те, кто еще не связан узами брака, почувствуют желание оформить свои отношения с любимым. Удачный день — четверг.

Благоприятное расположение небесных светил позволит **ДЕВАМ** успешно решить все финансовые вопросы. Если вы задумаете предпринять дальнюю поездку, то непременно отправляйтесь именно в предстоящую семидневку: путь будет удачным, а результаты — даже более успешными. Удачные дни — среда и суббота.

Самое важное для **ВЕСОВ** на предстоящей неделе не пассивно ждать, а активно бороться с возникающими трудностями, которые затронут как вашу профессиональную сферу, так и личную

жизнь. Госслужащие могут вдруг попасть в опалу у начальства. Удачный день — среда.

Предстоящая неделя будет результативна у **СКОРПИОНОВ**, кто по роду своей профессиональной деятельности связан с компьютерными технологиями. Тем Скорпионам, чья сфера деятельности государственная служба, звезды предкают возможность повышения зарплаты или перевод на высокооплачиваемую работу. Финансовый успех также замечит на горизонте у коммерсантов и предпринимателей. Благоприятными днями станут понедельник и вторник.

Молодым **СТРЕЛЬЦАМ** студентам рекомендуется поднажать на учебу и «взяться за ум» в начинающемся новом семестре. Иначе вам придется во время летней сессии жалеть о пропущенных занятиях. В личной жизни продолжится период стабильности. Ваши удачные дни на этой неделе — понедельник, четверг и пятница.

Узбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ва Қуролли Кучлар бирлашган штаби жамоаси Республика Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шомуродович Шогуломовга умр йўлдоши Раънохон ИНОЯТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Бош муҳаррир
полковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.
Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 088.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТУҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мехнат, иш билан таъминлаш, аҳолининг пенсия таъминотини ва унга ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман, шаҳарларнинг ҳокимликларига, қоржомалар ва ташкилотларга ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

3. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мехнат вазирлиги ва Ижтимоий

таъминот вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари негизида Қорақалпоғистон Республикасининг Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoshқармалари ташкил қилинсин.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бoshқармалари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳисобот берадилар.

4. Қўйидагилар белгилансин:

туманлар ва шаҳарларда амалдаги мехнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари сақланиб қолади;

туман (шаҳар) мехнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бў-

лимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бoshқармаларига ҳисобот берадилар.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, қоржоча ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва ўзгаришлар туғрисида таклифлар киритсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш туғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

2001 йил, 13 февраль.

● В ВОЕННЫХ УЧИЛИЩАХ

ЗА ПОБЕДУ... В ОТПУСК

Именно так решило поощрить отличившихся военнослужащих командование Самаркандского ВВАКИУ. Четыре представителя этого учебного заведения за успешное выступление на соревнованиях приказом начальника училища отправлены в краткосрочный отпуск.

Здесь созданы все условия для всестороннего развития будущих офицеров и всячески приветствуются их активные занятия различными видами спорта — чемпионы и призеры состязаний любого уровня обязательно отмечаются в приказах командования.

На сей раз такая честь выпала на долю участников чемпионата Узбекистана по муай-таю — чемпионами

республики стали рядовые Д. Пулатов и Ж. Юсупов из батальона обеспечения учебного процесса, а курсанты М. Султанов и Х. Юлдашев возвратились из Ташкента с серебряными наградами. На утреннем разводе перед строем всего личного состава был оглашен приказ начальника училища полковника Ш. Хусайнова о поощрении этой четверки краткосрочным отпуском с выездом домой.

Несомненно, это решение будет способствовать росту интереса к активным занятиям спортом среди военнослужащих, пропаганде здорового образа жизни, а в конечном итоге — повышению уровня боевой готовности.

Майор А. КАМАЛОВ,
контр. «Ватанпарвар».

● ВОЕНКОРЫ СООБЩАЮТ

СТАНЕМ МЕТКИМИ

В нашей части уделяется самое пристальное внимание всестороннему развитию вооруженных защитников Родины, в том числе и занятиям по огневой подготовке. Это подтвердил и наш последний выезд на полигон, где мы выполняли упражнения учебных стрельб из автомата.

По пути мне вспоминались первые стрельбы, на которые мы выезжали сразу после принятия Военной присяги. Далеко не все у нас тогда получалось, но сержанты успокаивали — мол, со временем результаты улучшатся. И очень хотелось проверить — возросло ли умение?

По команде сержанта Фархода Пирназарова иду к огневому рубежу и изготавливаюсь к стрельбе лежа. А вот и появилась мишень. Задерживаю дыхание, прице-

ливаюсь и плавно нажимаю на спусковой крючок. Есть попадание!

Вдохновленный успехом, продолжаю упражнение — короткие очереди с колена, стоя и с ходу находят цель, лишь одна прошла рядом. После подведения итогов первым поздравил с четверкой командир отделения, искренне радуясь успеху нашего совместного труда.

Рядовой
Д. МИРУСМАНОВ.

ЮТУҚЛАРГА ЗАМИН БОР

Биз хизмат қилаётган ҳарбий қисмда қишқи ўқув мавсуми кўтаринки руҳда давом этмоқда. Сержант ва аскарларимизнинг билимга чанқоқлиги ва ҳарбий соҳага бўлган қизиқишлари шундайгина кўриниб турибди. Яъни, бу улар дам-бадам эришаётган жанговар ютуқларда зоҳир.

Аскарлар ётоқхонаси, ошхонаси ва тиббий пункти ўзининг озодлиги ҳамда шинамлиги билан ажралиб туради. Посбонлар дам олиш ва байрам кунларини жуда кўнглили ўтказишади. Ҳар хил қизиқарли тадбирлар, мусобақалар, спорт ўйинлари уларнинг бўш вақтларини сермазmun ўтказаятганидан далolat. Яратилаётган бундай шарт-шарoитлар, гaмхўрлик ўз самарасини

бермоқда, албатта. Мен тарбиячи офицер сифатида шунинг аниқ этmoқдамaнки, аскар қалбига йўл топиш, уни руҳлантиришда гап кўп экан.

Итmoамaмизда бундай ақил, дўстона муҳитни яратишда, посбонларни етарли шарoитлар билан таъминлашда қисмимиз офицерларидан подполковник Р. Муталипов, майор О. Қўчқоров, майор Н. Шодиевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди.

Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, райрати, шижoати бaланд посбонларимиз мавсумда ўз олдларига қўйган мажбуриятларини шaраф билан адо этишади.

Капитан М. ШЕРМАТОВ.

Командир группы лейтенант Шерзод Эпенов (на снимке справа) прошлогодний выпускник инженерно-саперного факультета Самаркандского ВВАКИУ. Свои теоретические знания и нарабатываемый практический опыт передает в процессе службы своим подчиненным. Стараются как можно лучше познать секреты воинской специальности рядовые Мухтор Саудобоев и Холим Сатторов (слева направо). Этой весной солдатам предстоит уже увольняться в запас, и они справедливо считают, что лишь тех знаний не бывает. Поэтому к каждому занятию относятся добросовестно.

Фото Н. ЮСУПОВА.



ИЛҒОР ПОСБОН

— Оддий аскар Тиллабоев «тилла» йигитлардан.

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник О. Жабборов қўя остидаги бу посбонга қиёда ва лўнда қилиб ана шундай баҳо берди.

Аскарнинг бундай ишонч ва эътиборга сазовор бўлганлигининг сабабларини излаймиз. Маълум бўлишича, оддий аскар Анвар Тиллабоев қишқи ўқув мавсу-

мининг дастлабки онларидея жанговар тайёргарлик бўйича юқори кўрсаткичларга эришган. Айниқса, у ўқув тревогаси бўйича ўтказилган машгулотларда фаол қатнашди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича илғорлигини намoён этди. Қолаверса, қоровуллик хизматини аъло даражада ўтади. Хуллас, мавсумнинг дастлабки ҳафтасидаёқ гуруҳида пешқадам бўлиб олди.

Албатта, бундай кўтаринкиликнинг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Шулардан бири унга рағбат сифатида берилган қисқа муддатли таътил. Бунга ўтган мавсумдаги жанговар ютуқлари учун эришган посбон.

— Ҳарбий Қасамёд қабул қилиб, юрт ҳимоячиси бўлдингми, бу юксак ишонч ва масъулиятни оқлаш лoзим. Бунинг учун эса ҳар биримиз жанговар шайлигимизни оширишимиз, етук посбон бўлишимиз керак, — дейди Анвар.

Ш. ТОЛМАСОВ.

га алоқадорликда айблаб, шу тариқа намида 20 нафар фаластинлик ҳарбий амалдорни ўлдириб юборганини айтмоқда.

КОЛОМБО. Шри-Ланка раҳбарияти «Тамил илама «озодлик йўлбарслари» ташкилотининг фаолият кўрсатишига руҳсат берсагина, ўзaro тинчлик музокаралари бошланиши мумкин. Ташкилот етакчиларидан бири Антон Баласингам шундай деди. Унинг таъкидлашича, тақиқ жорий этилгач, «Тамил илама «озодлик йўлбарслари» тамилликлар манфаатини ҳимояловчи сиёсий ташкилот мақомини йўқотган.

Расмий Коломбо 1998 йилда Канди шаҳридаги ибодатхонада террорчилик ҳаракати содир этгани учун ташкилот фаолиятини тақиқлаб қўйган эди.

ЖАКАРТА. Шу ҳафта Индонезия ҳукумати билан Ачех вилояти айирмачилари

ўртасида тинчлик музокаралари бошланиши арафасида вилоятда юз берган отишма оқибатида ўнга яқин одам ҳалок бўлди. Айни пайтда икки томон ўртасида ўт очишни тўхтатиш туғрисидаги келишув амал қилаётган бўлиб, унинг муддати 15 февралда ниҳоясига етди. Шунга қарамай, жорий йилнинг бошидан буён хавфсизлик кучлари билан айирмачилар ўртасидаги тўқнашувда 120 дан ортиқ одам ҳалок бўлди.

ИСЛОМОБОД. Покистон маъмурияти халқaro террорчи Усома бин Лoдин муаммосини ҳал қилиш учун маълум шартлар асосида АҚШ билан «Толибон» ҳаракати ўртасида воситачилик қилишга тайёрглигини билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, ҳозирча икки томон ҳам Покистонга бундай таклиф билан муро-

жаат қилмаган. Бироқ бу музокарага расмий Исломобод ҳам таклиф этилса, биз ёрдамга тайёرمиз, деди вакил.

БОГОТА. Колумбия президенти Андрес Пастрана сўл исёнчилар билан тинчлик музокаралари ижобий натижа бeришига умид билдирди. А. Пастранининг айтишича, унинг Колумбия ивқилoбий қурoлли кучлари етакчиси Мануэл Марулаанда билан ўтказган музокаралари натижасида эришилган шартнома кўп йиллик можарони ечиш учун қўлай вазият яратди. Бу учрашув ўтган ҳафта ўтказилганди.

СЕУЛ. Жанубий Корея парламенти депутатлари ҳукуматни АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш режасига эҳтиётлик билан муносабатда бўлишга мажбур қилди. Уларнинг фикрича, бу дастурнинг амалга оширилиши Шимоли-шарқий

Осиёдаги вазиятни ўзгариши мумкин. Парламент аъзоси Чхон Ен Тэкининг айтишича, Хитой АҚШни ўзининг стратегик рақиб, деб билади. Мазкур мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг кучайиши эса Жанубий Корея манфаатларига бевоСИта таъсир кўрсатади.

ЛОНДОН. Европада юзга яқин одам «қорамол кўтуриши» касаллигининг қурбoни бўлди. Ирландия, Бельгия, Португалия, Франция ва Швейцарияда аҳоли орасида бу касалликка чалинганлар рўйхатга олинган. Хорижлик эпидемиологларнинг фикрича, яқин йилларда ўнлаб минг киши бу хасталикка чалиниши мумкин. Чунки «қорамол кўтуриши» вируслари организмда ойлаб, баъзан йиллаб яширин ҳолда яшashi мумкин.

(ЎЗА).

Хориждан хабарлар

ТЕЛЬ-АВИВ. Исроил ҳарбийлари Газo секторида «Хизбуллоҳ» ташкилoти раҳбарларидан бири Масъуд Аед ўлдирилганини маълум қилди. Исроил ҳарбий вертолети М. Аед нeтаётган машинани ракета билан портлатиб юборди.

Исроил ҳарбийларининг таъкидлашича, Масъуд Аед «Хизбуллоҳ»нинг Фаластиндаги ташкилотига раҳбарлик қилган ва Газo секторида бир неча террорчилик ҳаракатларини амалга оширган. Фаластин томони бу шахс Ёсир Арафот хавфсизлигига масъул «Нуч-17» полиция бўлимаси офицери бўлгани, Исроил «Хизбуллоҳ»-


Для всех и каждого

ПОСВЯЩАЕТСЯ АЛИШЕРУ НАВОИ

В части, где заместителем командира по воспитательной работе майор Алиш Бобокулов, духовно-правственному воспитанию личного состава уделяется много внимания. Одним из центров проводимой с личным составом работы по праву является библиотека части.

Немало мероприятий для проведения в текущем году, богатом предстоящими событиями, юбилеями и торжествами, наметила в годовом плане заведующая библиотекой служащая ВС Людмила Шахбазова. Историк по образованию Людмила Хайдаровна с огромным желанием работает здесь, аккуратно и пунктуально выполняя столь важную для отдохнувших военнослужащих работу. В библиотеке в строгом порядке выставлена вся имеющаяся здесь литература, оформлены стенды, посвященные объявленному в нашей стране Году матери и ребенка и погибшим в прошлом году в схватке с боевиками защитникам Родины, в специальной папке собираются интересные материалы о 2700-летии «Авесты».

Особенно подготовились здесь к 560-летию юбилею Алишера Навои. Специально к этому дню в читальном зале библиотеки была развернута выставка произведений юбиляра — великого писателя. В день празднования состоялся литературный вечер — «Алишер Навои — великий уз-



бекский писатель». Солдаты и сержанты, офицеры и прапорщики, гости военнослужащих рассказали много теплых слов о вечно живой поэзии Навои. Отрывки из его произведений прочитали Олия Негматова, Фируза Собирова, Дипломат Шакаррова, Шахноза Умарова. Можно сказать, что не остались в долгу и сами во-

еннослужащие. Свой талант продемонстрировали рядовые Ильхом Хуррамов, Акмал Нодыров и Баходыр Хуррамов, с выраженным прочтением несколько отрывков из известных поэм Алишера Навои.

К слову сказать, проведенное мероприятие — не последнее в списке. Военнослужащих части еще ожидают не менее интересные

литературные вечера, посвященные творчеству Бобура, поэзии узбекского поэта Хасана Пулата.

Подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ. На снимке: заведующая библиотекой Л. Шахбазова с вдохновенным рассказывает солдатам о творчестве Алишера Навои. Фото Н. ЮСУПОВА.

300 СЎМГА 135 МИЛЛИОН СЎМ

Ғиждувон туманининг олиси Лабирут қишлоғида истиқомат қилувчи Усмонжон Довиёров «Спортлото»нинг ашаддий ишқибози. Неча йилдан буён шу ўйинни ўйнаётганини ўзи ҳам аниқ эслолмайди. У ҳар турда баъзан йигирма-ўттизталаб лотерея ўйнайди. Уларни гоҳ Бухоро, гоҳида эса Навоий шаҳрида қайди қилдиради. Табиийки, унинг бу ишқибозлиги оилата қимматга тушар, лотерея жонивор айрим ойлари 8—10 миң сўмни «ютиб» юборарди. Рафиқаси Сайёраҳовдан қаттиқ-қурум гаплар эшитган вақтлари ҳам бўлган.

Шундай пайтлар Усмонжон хотинининг кўнглини олишга ҳаракат қилар. «Парвардигор ҳам ҳар ишга астойдил киришганларини ёқтирар экан. Ҳа, бир кун ол қўлим, деб бериб қолса, ҳаммаси эсимдан чиқиб кетарди», дея умидвор ҳам қилиб қўярди.

Шу-шу Сайёраҳон бу ҳақда бошқа оғиз очмади. Ўзи ҳам билиб-билмай сешанбани, «Спортлото» ўйналадиган кунни куладиган бўлди. Усмонжон ҳайдовчи эмасми, кўп вақти йўлда ўтади. Беш бола ҳам онасига қўшилиб сешанба кун телевизор қаршисига тизилиб олишарди.

Усмонжон ўша кун йўлга чиқиши керак эди. Кўнгли алағда бўлиб Ногонга жўнаб кетди. Телевизорга миҳланиб ўтирган Довиёровлар бошловчи йигитнинг ҳалжон билан — «Жекпот» 135 миллион сўм! Бу ютуққа...», деган сўзларидан сўнг бир муддат эсанжириб туришди. Ахир, ҳовнадон соҳибининг веча йиллик умидлари бир кунда ушалган эди-да. 135 миллион-а! Кейин уйда қий-чув бўлиб кетди. Уқтам, Утир, Марҳаб, Маърифат ойи-жонларини қучоқлаб қийқиришар, андигина 6 ёшга қадам қўйган Маҳлиё қувончдан ўзини қаерга қўйишини билмаётган ойисно, опа-акаларининг қилиқларига ҳайрон бўлиб тикиларди.

Яхши гапнинг қаноти бор, деганларидай Усмонжоннинг бир кунда миллионер бўлгани бутун қишлоққа ёйилди. Шу воқеа сабаб биз ҳам Ғиждувонга отландик. Кўн-йўлақай Лабирут қишлоғи жойлашган Буктарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нажмиддин ама Бобоёв билан учрашиб қолдик.

Усмонжонни отасининг руҳи қўллади, — дейди Нажмиддин ана. — Раҳматли Ҳабиб ама эл олқисинин олтав инсон эдилар. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, нафақага чиққан Ҳабиб ама мана шу кўриб турганимиз — йўл четидидаги «Ҳазрати Имом» қабристонини обод қилган эди. Элни ҳамаарга чорлаб, мезор гирдинга девор урдирганлар. Қишлоқнинг тўй-маракаси Ҳабиб амасиз ўтмасди.

Сўхбат билан бўлиб, Усмонжоннинг уйига ҳам етиб келибмиз. Афсус, Усмонжон яна сафарда экан. Турмуш ўртоғи Сайёраҳон, ўғли Утиржон билан сўхбатлашдик. Омад кулиб боқсан оилани яна бир бор табриқладик.

Сайёраҳоннинг айтишича, Усмонжон волга етиб қолган ўғил-қизларини уй-жойли қилган, маблағининг асосий қисмини қишлоқини ободонлаштиришга сарфламоқчи экан. Қишлоқ йўллари асфалтлаш, жойхона қуриш, вочор оилаларга ёрдам қилиш, қишлоққа тоза ичимлик суви олиб келиш, ўзи ўқиган мактабни таъмирлаш, аълочи ўқувчиларга стипендия тайинлаш, Ғиждувондаги меҳрибонлик уйига моддий ёрдам кўрсатиш режалари бор экан Усмонжоннинг.

Яна бир гап. Усмонжон сабаб лабирутликларининг каттао кичиги «Спортлото»га ишқибоз бўлиб қолди. Туқсовни уриб қўйган бобо ҳам, 100 га яқинлашган момо ҳам шаҳарга отванан этган севарасига «Ҳай, бакам, испортлото олиш эсдан чиқмасин-а, пулнинг бўлмаса, мана, пенса пулнинг берай», дейдиган бўлди.

Ильхом САФАР, ЎЗА мухбири.

АНА ШУНАҚА ГАПЛАР

АЁЛ СОЧИДАГИ СИР

«Сочининг савдоси тушди бонима...», деб ёзган мумтоз шoirларимиздан бири. Мабодо Африкадаги Того мамлақати аёлларининг соч турмаклари билан боғлиқ сирларни билиб олсангиз, балки сиз ҳам беихтиёр шундай деб юборарсиз. Жуллас. Тогодаги «гузаллик саломи»дан сўз очамиз.

Маълум бўлишича, бу ерда қирқ конал орқага жамлаб, битта қилиб ташлаб қўйилса, қиз турмушга чиқиб учун таёёрлик кўраётган ёки бирон йигит-

га кўнгиб берган ҳисобланаркан. Бундай соч турмаклари «севги рамзи» ҳам дейишади. Агар соч ёнга ташлаб қўйилса, демак аёл «эркин». Мабодо соч ўрилмасдан орқага ташлаб қўйилган бўлса, билгинги, соҳибсининг кўнгилида хавотир бор.

Ҳа, азиз муштарий, сочда нафақат ҳусн, гузаллик, балки ана шундайин сирлар бўлиши ҳам мумкин экан.

Д. РУЗИЕВА тайёрлади.

ПРОСТО АНЕКДОТ

Приезжает новый русский из провинции в Москву. Заходит в ресторан. Решил пошутить пыль в глаза, заказать что-нибудь подороже. Говорит подошедшему официанту:

— Дайте мне суп за штуку баксов.

— Мы по полпорция не носим.



Судья говорит подсудимому:

— При краже ковра присутствовала и ваша жена. Она вам помогала?

— Нет, господин судья. Она пошла со мной только для того, чтобы показать образец.

Кўчқордек ўғил берганда

Италиянинг Арверсе шаҳрилик Сиг Кармеллига Фелдея 1955 йилнинг сентябрыда ўғил кўрди. Болақай (гудак дейишга тили бормайди кишининг!) ақл бовар қилмас даражада бўлади — 10 кило 200 грамм тугилди. Худди шундай вазни бола 1982 йил 24 май кунини Жанубий Африкада ҳам дунёга келди. Шу кунини жарроҳлар Кристина Самане исми аёлнинг қоринини ёриб нислсиз катталликдаги болани чиқариб олишди. 6 ёшда Ситандаве дея помланмиш бу болақайнинг вазни 70 кило, бўйи эса 165 сантиметр эди. Бўйи 2 метру 27 сантиметрга тенг Ана Бейте (1846—1888) исмли канадалик аёл 1879 йил 19 январь кунини 10,77 кило вазни ҳамда 76 сантиметр бўйли боланинг онаси бўлди. Орадан ўн бир соат ўтиб бола дунёдан кўз юмди. Бейтснинг биринчи фарзанди — 8,16 кило вазни ҳамда 61 сантиметр бўйли қизалоқ 1872 йили ўлин тугилган эди.

1939 йилнинг майида АҚШнинг Иллинойс штатидаги Эффингем шаҳри туғруқхонасида 13,26 вазни мажруҳ бола дунёга келди. Орадан икки соат ўтиб унинг жони узилди. Буюк Британиянинг Эффилд шаҳрилик Томас Хиллс Эверитт (1779—1880) эса 9,5 ойлик чоғидаёқ ролпа-росса 57 кг тош босар эди. Бўйи бу пайтда 99 сантиметр, кўнран қафасининг ўлчами эса 94 сантиметрга тенг эди. Ҳозир дунёда энг оғир одам — Т. Ж. Альберт Жексон 12 ойлик чоғи 47,6 кг вазига эга бўлган. Бўйи эса бу пайтда 124 сантиметр бўлган.

Туғилиш билан боғлиқ гаройиб воқеа-ҳодисалар ичидан яна шуниси эътиборга молиқки, Виржиния штати (АҚШ) даги Клинтвуд шаҳрилик Ралф ва Каролин Камминларнинг барча фарзандлари турли йилларда (Катрин — 1952, Карол — 1953, Чарлз — 1956, Клаудиа — 1966), аммо бир кунда — 20 февралда дунёга келишган!

ПЛАТА ЗА БЕЗРАССУДСТВО—СОБСТВЕННАЯ ЖИЗНЬ

Тем, кто начал постоянно употреблять героин, кайфовать на белом свете отпущено 5—7 лет. Основные причины смерти — передозировка, отравление, самоубийство, сосудистая кома, инфекционные заболевания, отек головного мозга, инфаркт миокарда, сепсис... «Долгожители», — которые «просидели на игле» 9—10 лет, — величайшая редкость, да и при ближайшем рассмотрении назвать их живыми можно лишь относительно. Это зомби, тени с пустыми глазами, которые даже несколько часов не могут обойтись без очередной инъекции героина. И все же: хотя героинная зависимость тяжела, излечиться от нее возможно.

РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦



Ҳурматли адажоним (МИРАҒЗАМ) ва укажоним МИРОДЛИ! Сизларни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимдан табриклейман. Сизларга соғлиқ-саломатлик, иш ва ўқишларингизда омад тилаб қолувчи аскар ўғлингиз Дилмурод МИРХОНОВ.

КУПЛЮ

♦ ВМ-12, Комету-225, магн. усилит. АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.
♦ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг, газ. пл., велосипед, стир. маш. «Киргизия», раб.

и пераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

ПРОДАЮ

♦ А/м ГАЗ-66 в хор. сост., усил. двиг. с лебедкой. Т.: 195-98-52, 8-276-21-5-19 (Тойтена) (зв. после 18.00).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 13 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хори-

жий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 АҚШ доллари 331,75

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мазбуриятини олмайди.

ПОНЕДЕЛЬНИК, 19.02
8.00, 9.30, 11.00, 18.00
Мультифильмы.

ВТОРНИК, 20.02
8.00, 9.35, 14.00, 18.00
Мультифильмы.

СРЕДА, 21.02
Профилактика с 8.00 до 20.00.

ЧЕТВЕРГ, 22.02
8.00, 9.30, 14.00, 18.00
Мультифильмы.

ПЯТНИЦА, 23.02
8.00, 9.35, 14.00, 18.00
Мультифильмы.

СУББОТА, 24.02
8.05, 17.30 Мультифильмы.

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 25.02
8.05, 17.20 Программа мультифильмов.

19 ФЕВРАЛЯ
В связи с профилактикой радиостанции...

18.55 «Санта-Барбара».
18.35 «С добрым утром».

17.10 Мультифильм.
17.30 Фильм «Лето».

15.00 Турецкое телевидение.
18.05 «Новости Узбекистана».

17.10 Мультифильм.
17.30 Фильм «Лето».

16.55 «Воздушные замки».
18.25 «Космический Вавилон».

11.00, 17.00, 00.55 Новости.
11.10 Военный «День Победы».

7.00, 8.00 «Сегодня утром».
7.20, 8.40 «Карданный вал».

8.05, 10.10 «Настроение».
10.55 «Момент истины».

8.00 «Исследования». Формат.
8.30 «Утренняя звезда».

8.45, 23.55 «Красные звезды».
18.35 «Россия молодая».

8.05, 17.30 Мультифильмы.
8.10 Молодые дарования.

22.55 Спорт. Король ринга.
21.35 «Легенды спорта».

18.05 Мультифильм.
18.15 «О тебе и для тебя».

15.00, 18.00 Новости (с субтитрами).

8.00, 9.00, 15.00 День за днем.
8.45, 20.40 «Дорожный патруль».

8.00, 10.00, 16.00, 19.00, 21.55, 23.00.
События. Время московское.

20 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!», 8.00 «Ахборот», 23.05 «Ахборот», 8.40 Обзор газет, 8.55 «Мухаббат соғинчи»...

18.05 «ТВ плюс», 18.30, 20.00, 21.30, 23.35 «Пойтахт», 18.55 «Санга-Барбара»...

14.10 Жди меня, 15.00, 18.00 Новости (с сурдуперовердом), 15.20 Парь горы, 15.45...До шестнадцати и старше»...

17.15, 18.30 Телемагазин, 17.30 «Тропикана», 18.50, 1.50 Диск-канал, 20.00 «Йенагы... С детьми»...

25 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!», 8.00 «Ахборот», 8.35 «Камалак», 9.05 «Мир музыки»...

18.05 «Мити юлдузлар», 18.30 «Это кино», 18.55 «С любовью к вам»...

14.15 «Очевидец», Док. фильм, 14.45 «Сиквест», 15.30 Фильм «Сага о любви»...

12.05 «Шоу Бенни Хилла», 12.55 «Интернет-программа «Сеть»», 13.30 «Я знаю все!»...

2.55 «Открытый проект», 3.00 «Доброе утро», 3.30 «Новости», 3.45 «Воздух и мы»...

17.30 «Тропикана», 17.50 «Славное утро», 18.30 «Ахборот», 18.50 «Пейтинг»...

8.00, 9.00, 15.00 «Доброе утро», 9.00, 12.00, 17.00 «Новости»...

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.55, 2.00 События, 2.00 «Время московское»...

10.10, 10.30 «Музыка на канале», 10.30 Мелодрама «Снова 18», 12.00, 13.55, 15.45, 17.30

9.05, 12.00, 18.05, 19.55 «Теле-хамкор», 9.30 Игра «Теле-хамкор», 10.00 «Маугли»...

9.00 «Триллер «Делать врата», 11.15, 20.45 Дорожный патруль «Стар старт»...

9.30 «Ортодонс», 10.00 «Грозные казны», 10.50, 18.00 «Мультифильмы»...